

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-3/3**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

**Бош муҳаррир:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Таҳрир хайати:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.  
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.  
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович,  
т.ф.д., проф.*

*Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.*

*Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.*

*Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.*

*Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.*

*Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.*

*Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.*

*Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.*

*Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.*

*Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.*

*Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.*

*Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.*

*Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.*

*Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.*

*Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc*

*Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.*

*Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.*

*Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.*

*Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.*

*Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.*

*Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.*

*Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.*

*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.*

*Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.*

*Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,  
проф.*

*Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*

*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*

*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*

*Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.*

*Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.*

*Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.*

*Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.*

*Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.*

*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,  
б.ф.д., академик*

*Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.*

*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.*

*Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.*

*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*

*Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.*

*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*

*Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*

*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*

*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

*Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/3 (99), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 165 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2023

## МУНДАРИЖА ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Abdullayeva D.A.</b> Me'moriy yodgorliklar muhofazasidagi muassasa va tashkilotlar faoliyati	5
<b>Amanov A.T.</b> The main roles of mahallas and "chaihanas" in preserving rich cultural traditions and customs of the uzbek nation	8
<b>Aminov X.B.</b> Xorazm hunarmandchiligining taraqqiy etgan sohalari	12
<b>Baratov H.</b> ILK O'rta asrlarda Naxshab tarixiy geografiyasi	15
<b>Mamatov B.T.</b> The history of samarkand: yalangtush bakhodir and registon ensemble	18
<b>Mardiyeva G.K.</b> XX asrning 20-yillarining ikkinchi yarmi va 30 yillarida O'zbekistonda xotin-qizlarning fan va ta'lim tizimiga jalb etilish masalalari	20
<b>Xudayberganov S.S.</b> Mustaqillik yillarida Xorazm viloyati xalqaro iqtisodiy aloqalari rivojlanishining tarixiy tahlili	23
<b>Бахриев О.А.</b> Абдулхай Лакнавий яшаган мухит	28
<b>Зинатдинов Н.К.</b> Кампания «Топылыс» как одна из форм борьбы с религией в Каракалпакстане	30
<b>Зокиров Б.Ч.</b> Бухоро Халқ Совет Республикасида милициянинг ташкил этилиши ва унинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни	36
<b>Каландарова Ф.А.</b> Манғитлар даври тарихшунослигига оид	39
<b>Кличев О.А.</b> Туркистон генерал-губернатори номидан Бухоро амирлигига юборилган элчилар	42
<b>Матжанов А.Ж.</b> Қорақалпоғистонда автомобил транспортининг тараққиёти	46
<b>Матякубов Ш.С.</b> XVI-XVIII асрларда Хива хонлигида металлсозлик: уй-рўзгор буюмлари, заргарлик, мискарлик ва қурол-яроғлар тайёрлаш	51
<b>Олимжонова Г.О.</b> Ўзбекистонда мустақиллик йилларида божхона ишини ривожлантириш тадбирлари	54
<b>Розимова Ё.Ю.</b> Ҳарбий таълим самарадорлигини ошириш – давр талаби	57
<b>Рўзиева Д.М., Йўлдошева М., Бўстонова У.</b> Янги Ўзбекистон тараққиёти илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг иштироки	62
<b>Турабоева Я.Р.</b> Ўзбек аёллари анъанавий тақинчоқлар тарихига бир назар	65
<b>Тўраева М.</b> БХСРда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши: муаммо ва ечимлар	71
<b>Турдибоева Г.Д.</b> Қашқадарё вилоятида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш	75
<b>Хасанбаев Ў.</b> Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг радикализм ва экстремизмга қарши кураш тажрибаси	77
<b>Шихов О.О., Нурметов И.А.</b> Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширган тадбирлари доир баъзи бир чизғилар	81
<b>Якубов Т.Ё.</b> Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришдаги роли	84
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Bazarova U.M.</b> Xorijiy til darslari jarayonida talabalarni axloqiy-estetik tarbiyalashning takomillashtirish omillari	87
<b>Bobomurodova Sh.F.</b> The problems which young learners encounter during listening process and solutions to them	89
<b>Daniyarova K.A.</b> Using proverbs in enhancing the logical thinking of learners of comprehensive schools	91
<b>Inomiddinova D.I.</b> Stages of development of linguistics and the role of linguistic schools in language teaching	94
<b>Kattabaeva D.K.</b> Improving the teaching of different terms through information technology	97
<b>Khudaiberdieva D.I.</b> Teaching extensive reading in non-linguistic universities	99
<b>Ravshanov M.K., Xoshimxujayeva M.M.</b> The role of interactive games in teaching a foreign language	102
<b>Ro'ziyeva G.T.</b> Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini innovatsion kasbiy faoliyatga tayyorlash metodikasining ahamiyati	104
<b>Ro'ziyeva G.T.</b> Biologiya fanidan 7-8 -sinf oquvchilarining dars samaradorligini oshirishda sinfdan tashqari ishlarni takomillashtirish	108
<b>Ruzieva K.Ya.</b> Topic based pictures as a means of teaching new vocabulary in foreign language lessons	111

байрамни ўтказиш комиссия тузилади. Мазкур комиссияга раис этиб, Қори Йўлдош Пўлатов, аъзоларига ҳарбий нозирнинг ўринбосари Гиёсиддин Ҳасанов ва ички ишлар нозирини Юнус Маҳмудовлар киритилади [18]. Шу муносабат билан республикада қизил милицияга кўмак ҳафтаси эълон қилинади. Қизил милицияга кўмак ҳафтасида унга ёрдам қилишда ҳамда уни моддий ва маънавий таъмин этиш лозимлиги таъкидланади. Бунда асосий эътибор ходимларнинг таинотини яхшилашга қаратилганлиги ушбу чақириқда ўз ифодасини топган: “Қизил милиция оч бўлмасин, юпун бўлмасин, муҳтож бўлиб тўғри йўлдан чиқмасин” [19]. Бу ишни қизил милицияга ёрдам бермак оёи моддий жиҳатдан таъмин этишлик қизил милициянинг устига юкланган вазифани тўла бажаришига шароит яратиш бўлади.

**Хулоса** қилиб айтганда, Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, Ички ишлар нозирлиги таркибида милиция хизмати ташкил этилган. Дастлаб, милиция хизматига ёшлар ихтиёрий равишда келиб ёзилган. Кейинчалик баъзи маҳаллий милиция ходимларининг совет тузумига қарши қурашаётганлар томонга ўтиб кетиши ва улар билан урушишни истамаганлиги ортидан соҳага ихтиёрий ёзилиш камаяди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халқ хизматида 75 йил. Ғ.Раҳимов ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б.142.
2. Қизил милицияга кўмак ҳафтаси // Бухоро ахбори. 1923 йил 6 март.139-сон.
3. Халил ўғли. Қизил милициямизнинг байрами муносабати билан // Бухоро ахбори. 1923 йил 25 март. 147-сон.
4. Қизил аскарлар ва милицияга кўпроқ аҳамият бермоқ керак // Бухоро ахбори. 1923 йил 12 июль. 181-сон.
5. Халил ўғли. Қизил милициямизнинг байрами муносабати билан // Бухоро ахбори. 1923 йил 25 март. 147-сон.
6. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи М.Абдурахмонов. – Тошкент: Истиклол нури, 2014. –Б.331.
7. Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917 – 1924 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot - konsalt, 2007. –Б.37.
8. Советская милиция: история и современность 1917 – 1987. – Москва: Юридическая литература, 1987. – С.65.
9. Халил ўғли. Қизил милициямизнинг байрами муносабати билан // Бухоро ахбори. 1923 йил 25 март. 147-сон.
10. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993.– Б.36-38.
11. Халқ хизматида 75 йил. Ғ.Раҳимов ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б.29.
12. Ерметов А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти (1925 – 1991 йиллар). – Тошкент: Adabiyot ushqunlari, 2018. –Б.42.
13. Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – БХСР транспорт тизимини ўрнатиш манбаси / “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Бухоро, 2009. –Б.178.
14. Нақлиёт шўъбаси тарафидан буйруқ // Бухоро ахбори. 1920 йил 21 ноябрь. 8-сон.
15. Нақлиёт шўъбаси тарафидан буйруқ // Бухоро ахбори. 1920 йил 21 ноябрь. 8-сон.
16. Ҳукумат аскар ва милицияни унутмайдир // Бухоро ахбори. 1923 йил 12 июнь. 181-сон.
17. Бекбой. Милицияни ўқитмоқ керак // Бухоро ахбори. 1923 йил 15 февраль.134-сон.
18. Қизил милициямизнинг тузулишига икки йил тўлмоқ байрамини ўтказув комиссиясидан // Бухоро ахбори. 1923 йил 8 март. 140-сон.
19. Қизил милицияга кўмак ҳафтаси // Бухоро ахбори. 1923 йил 6 март.139-сон.

УЎК 93/94

#### МАНГИТЛАР ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД

**Ф.А.Каландарова, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро**

**Аннотация.** Мазкур мақолада мангитлар даври тарихшунослигида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган Аҳмад Дониш ва унинг “Мангитлар сулоласи тарихи” асари ҳақида маълумот берилади. Асарнинг умумий мазмуни ва мангитлар даврини ёритишдаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** тарихшунослик, мангитлар сулоласи, Аҳмад Дониш, “Рисола”.

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения об Ахмаде Донише, который занимает особое место в историографии правления мангитской династии, и о трактате

названием «История мангитской династии». Обсуждается общее содержание произведения и его роль в освещении данного периода.

**Ключевые слова:** историография, мангитская династия, Ахмад Дониш, “Рисола”.

**Abstract.** This article provides information about Ahmfd Donish, who has a special place in the historiography of the Mangit period, and his work “The History of the Mangit Dynasty”. Also, the article reflects on the general content of this work and its role in illuminating the period of the Mangits.

**Key words:** historiography, Mangit dynasty, Ahmad Donish, “Risola”.

Бухоронинг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихини ёритувчи асарлар талайгина. Улар келажак авлодга тарихий воқеликни тўлиқ тасаввур этишига ва унда йўл қўйган хатолардан сабоқ олиб, уларни такрорламасликка ёрдам беради.

Сўнгги мангитлар даври тарихига оид асарлар сирасига Аҳмад Дониш, Мирзо Сомий, Садри Зиё, Мирзо Салимбек, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Пўлат Солиевларнинг ижод намуналари киритиш мумкин. Уларнинг баъзилари ўз тарихий асарларини сарой тарихнавислик анъаналарига риоя қилган ҳолда, ҳукмдорларни олқишлаб ёзишган бўлишса, баъзилари уларни танқид остига олиб ёзишган. Айримлари эса ҳукмрон мафкура таъсири остида ўз тарихий асарларини ижод этишган.

Сўнгги мангитлар даври тарихшунослигини Аҳмад Дониш асарларидан бошланади десак хато қилмаган бўламиз. У ўздан кейин бой адабий ва илмий меърос қолдирган. Шулар жумласига унинг тарихга оид асарларини ҳам киритиш мумкин. Жумладан унинг “Наводир ул вақое” (Нодир воқеалар), “Рисола” (Ушбу китоб турли номлар билан илмий адабиётларда тилга олинади: “Мангит амирлари тарихига оид рисола”, “Рисола”, “Қисқа тарих”, “Амир Дониёлдан амир Абдулаҳадгача Шариф Бухоро амирларининг ҳаёти баёни”) каби тарихий асарлари XIX аср охири XX аср бошларида рўй берган муҳим тарихий воқеаларга оид маълумотларни ўзида жамлаган. “Рисола” дастлаб Е.Э.Бертельс томонидан рус тилига қисқартиришлар билан таржима қилинади. Асарнинг илмий-танқидий нашри эса бешта қўлёзмани қиёсий таҳлил қилиш асосида А.Мирзоев томонидан нашр этилади. Қўлёзмаларни солиштириш жараёнида А. Мирзоев асарнинг уч хил нашри борлигини ва улар орасида сезиларли фарқ йўқлигини аниқлаган [2.15]. Мазкур асарнинг тўлиқ рус тилидаги таржимаси И.А.Наджафова томонидан 1967-йили Душанбеда “Трактат Аҳмада Дониша. История мангитской династии” (Аҳмад Дониш рисоласи. Мангитлар сулоласи тарихи) номи билан нашрдан чиқади. Муаллиф асарнинг кириш қисмида Аҳмад Донишнинг ушбу рисоласининг таржима қилиниш тарихи, таржимонларнинг илмий изланишлари, асарнинг номланиши ва ёзилиш санасига оид ўзининг фикр ва мулоҳазаларини билдиради. Унга кўра Е.Э.Бертельс 1936-йил (Е.Э.Бертельс. Рукописи произведений Аҳмада Калле. Тр. Таджикистанской базы, т.3. Лингвистика. М. -Л. 1936. стр. 23) ўз мақоласида асарга таъриф бергандан сўнг ўн йилча ўтиб, асарнинг қисқача мазмуни С.У.Улуғзода томонидан 1946-йил нашр этилади. Илм аҳли Аҳмад Донишнинг мазкур асаридан хабар топгач, асарнинг бошқа қўлёзмалари топилади. Шундай қилиб, асарнинг илк босма нашри янги тожик графикасида 1959-йил Р.Х.Ходизода (Р.Х.Хади-заде. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. Тр. Ин-та языка и лит. Ан. Тадж. ССР, Сталинабад, изд-во АН Тадж ССР, 1956, т. 6.) томонидан қатор қисқартиришлар билан амалга оширилади. 1960-йилда эса М.Н.Усмонов томонидан асарнинг рус тилидаги таржимаси “Исторический тарктат” (Тарихий рисола) номи билан нашрдан чиқади. Шундай қилиб асар 1967-йилгача, яъни И.А.Наджафова умумий таржимани кириш сўзи, изоҳлар ва таҳлиллар орқали амалга оширгунга қадар қисман ўрганилган.

Асарнинг номланишига келадиган бўлсак, асарни ўрганган барча тадқиқодчиларда у шартли равишда турли номлар билан аталган. Бунга сабаб, Аҳмад Донишнинг замондошлари ва ундан кейин ижод қилган шоирларнинг тазкираларида ва шеърларида унинг асосан шеърлари ва машхур “Наводир ул -вақое” асари эслатиб ўтилади. Аммо “Рисола” бирор жойда тилга олинмаган. Е.Э.Бертельс уни “Жизнеописание эмиров священной Бухары” (Шариф бухоро амирларининг ҳаёти) деб номлаган бўлса, Р.Х.Ходи-зода эса уни “Исторический и

критический трактат”(Тарихий ва танқидий рисола)деб номлашни таклиф қилади. А.М.Мирзоев танқидий нашрининг кириш қисмида асарнинг бешта қўлэзма нусхасининг ҳеч бирида муаллиф унга ном бермаганини ёзган. Унинг номи асарни кўчирган(мирзо)лар томонидан кўшиб кўйилган. Уларнинг бири “Кичкина тарих” деб ёзган бўлса, бошқаси “Саёҳатлар ҳақида ҳикоя”, яна бири “Шариф Бухоро амирларининг ҳаёти” деб номлаган [4.6]. Шундай экан Аҳмад Донишнинг асарни қандай номлагани маълум бўлмай, унинг ҳозирги номланиши тадқиқодчиларнинг таҳлилий хулосалари натижасидир. Айни вақтда Аҳмад Дониш ижодига мансуб бу тарихий асарнинг ўзбек тилидаги нашри мавжуд эмас. Унинг ижоди ва фаолиятига қизиқувчилар, шунингдек тадқиқотчилар асосан И.А.Наджафова томонидан амалга оширилган нашрдан фойдаланиб келишмоқда.

Асарнинг ёзилиш санаси ҳам унинг қўлэзма нусхаларида кўрсатилмаган. Аммо асарнинг мазмуна ва унда баён этилган тарихий воқеалар унинг 1895-1897 йилларда, яъни муаллиф ҳаётининг охириги йилларида ёзилганидан далолат беради.

Аҳмад Дониш ўзининг “Тарихи салтанати мағития” асарида амир Дониёлнинг ҳукмронлиги давридан бошлаб, то амир Абдулаҳад даври воқеаларини баён этган. Асарда у (1827-1897) ўзининг тарихий асарларида асосан манғитларнинг сўнгги ҳумдорлари, улар олиб борган сиёсат, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ёзган.

Аҳмад Дониш асарда дастлаб дунёдаги фаровонлик сайёраларнинг жойлашувига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрларни баён этади. Сўнг амир Дониёл ҳукмронлиги йиллари ва унинг ўғли амир Шоҳмурод (амири Маъсум) нинг давлат бошқаруви ҳақида фикр юритади. Амир Шоҳмурод ҳақида ёзар экан, унинг шахсий фазилати, ўзига хос ҳаёт тарзи, давлат бошқаруви тепасига келиши, шунингдек унинг ҳаётига оид бир қанча бир-бирдан қизик ҳикоятларни келтиради. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки Аҳмад Дониш амир Шоҳмуродга жуда юқори баҳо бериб, уни асрнинг янгиловчи шахс сифатида тилга олган. Амир Темур Кўрагоний саккизинчи юз йилликнинг янгиловчиси бўлса, Хиротда Султон Хусайн Бойқаро тўққизинчи юз йилликнинг, Бухорода амир Абдуллаҳон минг йилликнинг бошида бўлса, Саййид Субхонқулиҳон ўн биринчи юз йилликнинг янгиловчисидир. Амир Шоҳмурод эса ўн иккинчи юз йилликнинг янгиловчиси эканлигини ёзган. Бундан ташқари у бошқа мусулмон мамлакатларида ҳам юз йилликни янгиловчилари ҳақида гапириб, уларга бобурий авлодларидан бўлмиш шоҳ Аврангзеб Оламгир ва Шоҳжаҳон, шайхлар ва уларнинг замондошларини айтиб ўтади.

Аҳмад Дониш амир Ҳайдар, унинг ўғиллари амир Усмон ва Умархонларнинг ҳукмронлик йиллари ҳақида қисқа баён этади. Амир Ҳайдарнинг бу икки ўғли ҳақида ёзар экан, уларнинг бошқа манбаларда учрамайдиган шахсий фазилатлари ҳақида ҳам айтиб ўтган. Масалан, у амир Хусайнни барча илм турларидан хабардор бўлганлиги, шу жумладан шеърят, тиббиёт, алкимё ва фол илмини эгаллаганини ёзади. Айтиб ўтиш керакки, бундай илм турлари аксарият манғит амирларида учрамаган. Қанчалик иқтидор эгаси бўлмасин унинг ҳукмронлиги икки ой-у ўн тўрт кун давом этган ва у ўттиз ёшида оламдан ўтган.

Аҳмад Дониш амир Ҳайдарнинг иккинчи ўғли амир Умархон ҳақида эса салбий фикрларни билдиради. У тахтда тўрт ойдан кам муддат ўтирган бўлсада, айшу-ишратни умрининг қолган қисмига ҳам етадиган миқдорда амалга оширган. У доим маст ҳолда бўлиб, ҳатто укаси амир Насруллони Бухоро шахрини қамалга олганидан хабарсиз қолиб, токи у Арк дарвозаларини бузиб кирмагунча, шаҳар ташқарисидан келаётган шовқин овозларини ўз овчиларининг машғулот жараёнидаги овозлари деб ўйлаган. Умархон бу пайтда мусиқа садолари остида бўлиб, уни машҳур уламоларнинг бири паранжи ичига яшириб шаҳардан чиқариб юборганини муаллиф батафсил ёзган.

Амир Насуллоннинг ҳукмронлик йиллари ҳақида ёзар экан, у ҳақидаги салбий мулоҳазалар билан бирга у ҳақида ижобий фикрларни ҳам билдирган. Жумладан, унинг даврида вилоятлардаги кўзғолонлар ва айирмачилик ҳаракатларига барҳам берилган, мамлакатда арзончилик, тинчлик, мўл-кўлчилик бўлган. Ҳукмдорнинг ўзи ҳам хайр-у саховатли бўлиб, мамлакат ҳудудлари эса Кўқондан то Кешгача кенгайганини ёзган. Шундай

бўлсада Аҳмад Дониш амир Насруллонинг давлат бошқарувида отаси амир Ҳайдар йўл қўйган камчилиқни такрорлаганини эслатиб ўтади. Жумладан, у давлатни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир қабила бошлиғини ўз ерларида қолишига мажбур қилган, у ерда мустаҳкам ўрнашиб олишга имкон берган, давлат бошқарувининг масъулиятли ва муҳим лавозимларига тожиклар, ҳамда чет элликларин жалб этган. Хукмдорларнинг бундай қарорлари мамлакатда тинчликни таъминлашга қаратилган бўлсада, бу келажақда ўзини оқламаган ва мамлакатни завол топишини тезлаштирган. Амир Насрулло хукмронлигининг охири ҳақида ёзар экан, хукмдорнинг амир Музаффардан бўлак ўғил фарзанди бўлмасда у ворис этиб набираларидан бирини танлаганини айтган. Унинг бу васиятини бошқа манбаларда учратмаймиз. Чунки аксарият бу даврга оид тарихий асарларда амир Музаффар шубҳасиз меросхўр сифатида тилга олинган. Шу жойда амирлар ва уламоларда иккиланиш бўлган. Бир гуруҳ ҳокимиятнинг меъросийлигини инобатга олиб амир Музаффар тарафида бўлган бўлса, иккинчи гуруҳ хукмдорнинг васияти муҳимроқ ва тўғри деган фикрда бўлишган. Охир-оқибат ҳокимият амир Музаффарга насиб этади. Иккинчи номзод эса Бухорони ташлаб қочишга мажбур бўганига қараганда у амир Музаффарнинг ўғилларидан бўлмаган.

Аҳмад Дониш амир Музаффар ва амир Абдулаҳатнинг хукмронлик йиллари ҳақида батафсил ёзади. Хусусан амир Музаффар давридаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол, давлат бошқаруви, хўжалиқ (давлатнинг сув тақсимотига оид масалари), Бухоронинг ярим мустамлакага айланиш жараёни ва ҳатто амирнинг кун тартибига оид маълумотларни кўришимиз мумкин.

Россия империясининг амирлик шаҳарларини босиб олишини осонлаштирган бир қанча сабабларни айтиб, амирнинг давлат бошқарувида йўл қўйган хатоларига ҳам тўхталиб ўтади. Амир Абдулаҳад даври ҳақида ёзар экан унинг даврида асосан русларнинг таъсирининг кучайгани, давлатнинг ярим мустамлакага айланиши тезлашгани, бунинг натижасида мамлакатдаги тартиб ва қоидалар илгаригидек мустаҳкам бўлмай қолганини айтади. Аҳмад Дониш ушбу хукмдорнинг ўн икки йиллик фаолиятини шоҳиди бўлган бўлсада, бу унга амирнинг бошқаруви ҳақидаги ўзининг мушоҳадаларини баён қилишга ҳалал бермаган. Бундан ташқари Петербургга юборилган бир қанча элчилик миссиялари, уларнинг натижасиз тугагани ҳақидаги ўзининг танқидий фикрларини билдиради. У ҳатто Қўқонда бўлиб ўтган қипчоқлар қирғини, унинг сабаб ва оқибатларига ҳам тўталиб ўтади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки Аҳмад Донишнинг “Манғитлар салтанати тарихи” асари Бухоронинг сўнгги ўрта асрлар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асарда булиб ўтган воқеаларнинг кечиши ва сабаблари муаллифнинг астрономик қарашлари билан боғланган ҳолда талқин этилган бўлсада, унда учрайдиган баъзи маълумотлар ушбу даврни ёритувчи бошқа маҳаллий манбаларда учрамайди. Айниқса асрада Аҳмад Донишнинг давлат бошқарувида хукмдорларнинг йўл қўйган хатоларига нисбатан кескин фикрларидан, унинг халқпарвар ва марифатпарварлик ғояларини англаш қийин эмас. Асардаги воқеа-ҳодисалар баёни гоҳида муаллифнинг ўта шахсий фикр ва мулоҳазалари билан йўғирилган бўлсада, бу унинг қийматини пасайтирмайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмад Дониш. Путишествие из Бухары в Петербург. Сталинабад. Избранное, 1960.
2. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России. Ташкент. Издательство “Наука” Узбекской ССР.1965.
3. Р.Х.Хади-заде. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. Тр. Ин-та языка и лит. Ан. Тадж. ССр, Сталинабад, изд-во АН Тадж ССР, 1956, т. 6.
4. Трактат Аҳмада Дониша. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания И.А.Наджафовой. Душанбе. Дониш. 1967.

ЎЎК:930.2:327.82(470+575)

### ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИ НОМИДАН БУХОРО АМИРЛИГИГА ЮБОРИЛГАН ЭЛЧИЛАР

*О.А.Кличев, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро*

*Аннотация. Мазкур мақола Туркистон генерал-губернаторлиги номидан турли мақсадларни амалга ошириш учун амир қабулиги юборилган элчилик муносабатлари тарихи*